


2022 йил июль

**Аҳоли ва тадбиркорлик
субъектларининг
инфляцион кутилмалари
шарҳи**



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Тошкент 2022 йил


2022 йил июль ойи учун аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари шарҳи

Аҳолининг инфляцион кутилмалари

Июль ойида ўтказилган сўровларга кўра, келгуси 12 ой учун нархлар ўсиши бўйича аҳолининг инфляцион кутилмалари¹ июнь ойига нисбатан пасайиб, **15,5 фоизни**, инфляцион кутилмаларнинг медиана қиймати² эса **1,1 фоиз бандга** қисқариб, **13 фоизни** ташкил этди (1-расм).

Кутилмалар март ойига нисбатан сезиларли камайган бўлсада, айни пайтда жорий йил бошига нисбатан юқорироқ даражада шаклланди.

1-расм. Аҳолининг инфляцион кутилмалари динамикаси, (фоизда)




Инфляцион кутилмаларнинг пасайиши асосий турдаги истеъмол нархлари ўсиши ўзининг юқори нуқтасидан ўтгани, июль ойида мавсумий мева-сабзавотлар нархининг арzonлашгани, энергия нархлари либерализациясининг кейинроқ муддатга қолдирилиши

¹ Инфляцион кутилмалар – келгуси даврда нархларнинг умумий ўзгариши бўйича иқтисодиёт субъектларининг кутилмалари бўлиб, респондентлар томонидан танланган жавобларнинг ўртача тортилган қиймати кўринишида ҳисобланади.

² Инфляцион кутилмаларнинг **медиана қиймати** – келгуси давр учун инфляцион кутилмалар бўйича жавоблар вариацион қаторини teng иккига бўлувчи қиймат.

ҳамда охирги ойларда миллий валюта алмашув курсининг барқарорлиги билан изоҳланади (2-расм).

2-расм. Инфляцион кутилмалар бўйича аҳоли жавобларининг тақсимоти (респондентларнинг сони)



Респондентлар келгусида нархларга оширувчи таъсир кўрсатиши мумкин бўлган асосий омиллар сифатида **импорт товарлари ва асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг қимматлашиши** (55 фоиз), **нархларининг сунъий оширилиши** (43 фоиз) ҳамда **ёқилғи ва энергоресурслар нархлари ошиши мумкинлиги** (36 фоиз)ни кўрсатганлар (3-расм).

3-расм. Инфляцион кутилмаларнинг асосий омиллари (2022 йил, респондентларнинг улуши, фоизда)


| Омиллар | Январь | Февраль | Март | Апрель | Май | Июнь | Июль |
|---|--------|---------|------|--------|-----|------|------|
| Импорт товарлар ҳамда асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг қимматлашиши | 41 | 43 | 49 | 53 | 55 | 56 | 55 |
| Валюта курсининг ўзгариши | 37 | 49 | 54 | 43 | 26 | 25 | 33 |
| Нархларнинг сунъий оширилиши | 35 | 30 | 37 | 34 | 37 | 41 | 43 |
| Иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши | 31 | 28 | 23 | 22 | 39 | 34 | 29 |
| Ёқилғи ва энергия ресурслари нархининг қимматлашиши | 25 | 20 | 18 | 23 | 27 | 27 | 36 |
| Тураг жой ва ижара тўловларининг ошиши | 15 | 14 | 11 | 14 | 11 | 11 | 12 |
| Супермаркет ва бозорларда нархлар ўртасидаги фарқнинг юқорилиги | 10 | 11 | 11 | 14 | 14 | 14 | 14 |

Шунингдек, ушбу ойда коммунал хизматлар ошиши бўйича аҳоли кутилмаларининг ҳам пасайганини қайд этиз жоиз.

Тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари


Жорий йилнинг июль ойида ўтказилган сўровларга кўра, бизнес соҳаси вакилларининг келгуси 12 ой учун нархлар ўсиши бўйича **инфляцион кутилмалари** кетма-кет 2 ой пасайиб, **15,2 фоизни** ташкил этган бўлса, медиана қиймати **13,4 фоизга** тенг бўлди (4-расм).

4-расм. Тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари динамикаси (фоизда)



Июль ойида келгуси 12 ойда инфляция даражасини **9-12 фоиз** атрофида бўлишини кутаётган тадбиркорлар улуши кўпайган (5-расм).

5-расм. Инфляцион кутилмалар бўйича респондентларнинг тақсимоти (респондентларнинг сони)



Тадбиркорларнинг фикрича, кейинги 12 ойда нархлар ошишига валюта курсининг ўзгариши (34 фоиз), ёқилғи ва энегоресурслар нархининг қимматлашиши (31 фоиз) ҳамда импорт қилинадиган хомашё ва бутловчи қисмлар нархининг ошиши (28 фоиз) каби омиллар бевосита таъсир кўрсатиши мумкин (6-расм).

**6-расм. Инфляцион кутилмаларнинг асосий омиллари
(2022 йил, респондентларнинг улуши, фоизда)**

| Омиллар | Январь | Февраль | Март | Апрель | Май | Июнь | Июль |
|---|--------|---------|------|--------|-----|------|------|
| Ёқилғи маҳсулотлари ва транспорт харажатларининг қимматлашиши | 42 | 36 | 36 | 37 | 25 | 27 | 31 |
| Валюта курсининг ўзгариши | 37 | 43 | 51 | 41 | 24 | 19 | 34 |
| Иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши | 26 | 21 | 17 | 21 | 30 | 29 | 23 |
| Импорт қилинадиган хомашё ва бутловчи қисмлар қимматлашиши | 20 | 18 | 22 | 14 | 14 | 24 | 28 |
| Иқтисодиётда рақобат мұхитининг ёмонлашиши | 16 | 13 | 14 | 14 | 16 | 32 | 33 |
| Тижорий бино ва ижара тўловларининг ошиши | 13 | 11 | 10 | 9 | 9 | 10 | 12 |
| Айрим товарларни импорт қилишдаги тариф ва нотариф чекловларнинг мавжудлиги | 12 | 11 | 12 | 17 | 16 | 18 | 19 |

Транспорт хизмати харажатларининг ошиши, импорт қилишдаги тариф ва нотариф чекловларнинг мавжудлиги ва хориждан хомашё етказиб беришда узилишлар бўлишини кутаётган тадбиркорларнинг улуши ўтган ойга нисбатан ошган.

Бунда бизнес вакилларининг юқоридаги омиллар бўйича хавотирларининг кучайиши ўтган ойда бензин ва дизел нархлари қимматлашгани билан изоҳланмоқда.

Шунингдек, коммунал хизматлар қимматлашиши ҳамда иш ҳақи ва нафақаларнинг ошишининг келгуси даврда нархларга таъсирини кутаётганлар ҳиссаси ўтган ойга нисбатан қисқарган.